

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 3-IYUL ■ SHANBA ■ 80 (27.255) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ТОШКЕНТ САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИХАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР

Кейинги пайтда юртимизда халқаро миқёсдаги бир қатор муҳим сиёсий воқеалар бўлиб ўтганидан халқимиз яхши хабардор. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) Тошкент саммити минтақамиз истиқболига доир қабул қилинган муҳим ҳужжатларга, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бойлиги, ишчанлик руҳида ўтгани билан бутун дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига тортиди.

Бу нуфузли учрашувнинг юксак савияда ўтиши ва умуман, мазкур анжумандан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда саммит ишига раислик қилган Ўзбекистон раҳбарининг хизмати катта бўлгани ҳам кўпчилик томонидан ҳақиқат ривожда эътироф этилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ушбу анжумандаги нутқида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сўрилган гоя ва тақлифлар саммит ишининг маъно-мазмунини белгилаш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Юртбошимиз ўз нутқида саммит иштирокчиларига мурожаат қилар экан, кун тартибига кўйилган масалалар ҳақида тўхталиб, қуйдагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Уйлайманки, Тошкент саммити ШХТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдирди, ШХТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдирди, ШХТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдирди.

Ҳозирги вақтда Пекинда ШХТнинг қотиб яши иш олиб бормоқда. Тошкентда Минтақавий антитеррор маркази тузилди. Утган давр мобайнида уч бор йиғилиш ўтказган Ташки ишлар вазирлиги кенгаши ўз олдига қўйилган вазифаларни изчил бажармоқда, ШХТнинг Мувофиқлаштирувчилар кенгаши тезкор, ўта муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Ушбу саммит арафасида ШХТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгаши котибларининг учрашуви ҳамда иқтисодиёт ва савдо вазирларининг мажлиси самарали ўтганини алоҳида қайд этиш зарур. Буларнинг барчаси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган даврда бажарилган жами ишлар ШХТ мамлакатлари, биринчи гада, Россия ва Хитой раҳбарларининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини ўз зиммасига шу минтақда яшовчи халқлар хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш масъулиятини олишга қодир бўлган нуфузли халқаро ташкилотга айланганлигига қараганда катъий иродаси ва азму шижоати тўғрисида амалга оширилди.

ШХТ фаолиятининг истиқбол ва самарадорлиги кўп жиҳатдан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлиши ана шу икки етакчи давлат — Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасининг фаол иштироки ва ҳамкорликдаги ҳаракатларига боғлиқ десам, уйлайманки, ҳеч қандай муболага бўлмайди, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари, Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берад экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатар охири бораётган бир шарафлиқ бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиғий-иқтисодий, минерал-хомашё ва биринчи навбатда углеводород захиралари тўғрисида халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётганини қайд этди. Хусусан, Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди.

Воқеалар ижобий йўналишда ривожланаётганига қарамай, Афғонистон вазиятини террористик, экстремистик ва мамлакатни тинч йўл билан қайта тиклаш учун жиддий ёрдамга эҳтиёж сезмоқда. Бу заминда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани, айниқса, катта хавотир уйғотди.

Минтақа мамлакатларидаги вазиятга хавф соладиган халқаро террористик, экстремистик ва айирмачи қўчаларнинг фаолиятини ҳам қаттиқ ташвиш уйғотмай қолмайди.

Ислоом Каримов ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатнинг ва бутун минтақанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, коммуникация ва транспорт соҳаси, сув-энергетика ва хомашё захиралари, ривдан, инсоний салоҳиятдан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни ўзаро келишиш ва мувофиқлаштириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Минтақага хорижий капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шу мақсадда бу ҳудуддаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган шарт ва қоидаларни шакллантириш лозимлигини уқтириб ўтди.

Марказий Осиё ҳар бири ўзига хос тарихий, этник-маданий илдидаларга, диний ва иқтисодий турмуш тарзига, ўз менталитетига эга бўлган мамлакатлар ва халқлар яшайдиган минтақа эканини доимо ёдда тутиш муҳим, деди Ўзбекистон Президенти. Уларнинг ҳар бири вазмин, жуда эътибор билан, таъбир жоиз бўлса, ҳурмат-эҳтиром билан ёндашишни талаб қилади.

Марказий Осиёда юз бераётган кўп қабил воқеаларни тушунишнинг калити ва минтақда барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида му-



жассам, десак, хато бўлмайди.

Айнан ана шу омилларни ҳисобга олмайдиган барча ташаббуслар, уйлайманки, самарали ва муваффақиятли бўлмайди.

Биз шунга қатъий аминмики, ШХТнинг биносини кўтариб турадиган асосий устунлар, энг муҳим йўналишлар — хавфсизлик ва иқтисодиёт бўлиши зарур. Ана шу икки устун еки таъбир жоиз бўлса, аравининг икки гилдирагига таянган ҳолдагина, ШХТ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг халқаро нуфузини, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги вазиятга мос тарзда ҳаракат қилишини таъминлаш мумкин.

Ислоом Каримов Ўзбекистон ШХТнинг устувор вазифаси сифатида эълон қилинган халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши муросасиз курашни сўзсиз қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Бугун ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида расмий очилиш маросими бўлиб ўтган Минтақавий антитеррор марказининг фаолияти айна шу мақсад ва вазифаларга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари. Ва ушбу тузилма фаолиятини такомиллаштириш ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйдаги амалий тақлиф ва мулоҳазаларни илгари сурди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг ўз вақтида ишга туширилиши ШХТга аъзо барча мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, давлат раҳбарларининг бу масалага шахсий эътибори тўғрисида амалга ошди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг мақоми, энг муҳим фаолият йўналишлари ШХТнинг давлат бошлиқлари даражасида тасдиқланган асосий ҳужжатлари билан белгилаб берилган. ШХТнинг турли даражадаги учрашуваридида Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятини бевосита шакллантириш ва ташкил қилиш билан боғлиқ жами 9 та ҳужжат қабул қилинди.

Иқозатининг билан Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятининг баъзи муҳим томонларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарт — бизнинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ва ягона ёндашув ва қарашимиз, десам, умид қиламанки, умумий фикрни айтган бўламан, деди Юртбошимиз.

(Давоми 2-бетда.)

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 2 июль кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тақлифига биноан амалий таширф билан Москвага жўнаб кетди.

Таширф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи, ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар қўриб чиқилди.

(ЎЗА)

БАНДЛИК ХИЗМАТИ АМАЛДА

Фарғона тумани вилоятнинг тоғли, чекка жойларидан бири ҳисобланади. Саноат корхоналари йўқ ҳисоби. Бу эса ўз навбатида ишсизлик муаммоси юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг устига кейинги кезларда ишсизларни рўйхатга олиш, ишсизлик мақоми бериш, иш билан таъминлаш тизими оқсаятган эди.

Яқинда туман прокуратураси меҳнат ярмаркаси ташкил этилишини назоратга олди ва туман меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмарканинг ташаббускори билдириди. Унда тумандаги ташкилот ва муассасалар, хўжаликлар, вилоятдаги йирик саноат корхоналари вакиллари ўзларидидаги бўш иш ўринлари билан қатнашишди. Жумладан, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш корхонаси 25 та, Фарғона ил-газлама ишлаб чиқариш корхонаси 240 та, Фарғона механика заводи 58 та бўш иш ўринларини тақдим этишди.

Натижа қутулганидек бўлди. Меҳнат ярмаркасига 315 нафар фуқаро таширф бўурди. Уларга бўш иш ўринлари, меҳнат ҳақи шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. 84 нафар ишсиз фуқаро ишга кириш истагини билдирди. 77 нафар фуқаро шу ернинг ўзида турли иш ўринларига қабул қилинди.

Алишер ИБДОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ОЛТИН...» «ПЛАТИНА...»НИ ЕТАКЛАБ КЕЛДИ

Олдинда «Олмос нишон», — дейди Тошкент туманининг Келес шаҳри саноат масканида жойлашган «Тўхтаниёз-ота» фермер хўжалиги раҳбари Мухторхожи ТўХТАНИЁЗОВ

«Нью-Йоркдаги ҳашаматли «Мариот Маркис» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Сифат халқаро конвенцияси, Нью-Йорк — 2004» анжуманида, — деб хабар беради «Жаҳон» ахборот агентлиги, — Business Initiative Directions халқаро компанияси президенти Хосе Прието дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан таширф бўурган турли компания ва фирма вакиллари, хусусан, Ўзбекистонлик ишбилармонларга сифат белгиси бўйича совринларни тантанали равишда топширди...»

Улар орасида бугун биз сизга ҳижоя қилмоқчи бўлган «Тўхтаниёз-ота» хусусий корхонаси ҳам бор. Корхона мазкур халқаро компаниянинг энг нуфузли совринларидан бири Платина нишон билан тақдирланди. Унинг яратувчанилик салоҳияти, махсулотлари сифати, мижозларга хизмат кўрсатиш даражаси юқорилиги ва ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитга таъсири камлиги каби қатор омиллар эвазига юксак самарадорликка эришган корхона жамоаси 2003 йилда ҳам айна

шу компаниянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган дунёнинг 166 та мамлакатлар ичида Олтин нишон билан тақдирланган эди.

Изоҳ: Бош офиси Испания пойтахти — Мадридада жойлашган мазкур компания 1970 йилдан буюн дунёнинг турли мамлакатларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. У ўз махсулотлари билан халқаро стандартларга жавоб бераётган корхоналарни халқаро сифат белгиси совринлари билан тақдирлаб келади. Танлов қондасига кўра совринлар: Олмос нишон, Платина нишон ва Олтин нишондан иборат. Тақдирланган қўзланган асосий мақсад — илғор компания ва корхоналарни халқаро миқёсда тарғиб этиш ҳамда улар фаолиятини рағбатлантиришдир.

— Дастлаб, 1993 йилда 0,25 гектар ерда қўшқона очиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатуви шахсий кичик корхона сифатида иш бошлаганмиз, — деб ҳижоя қилди корхона раҳбари М.Тўхтаниёзов. — Орадан тўрт йил ўтиб, бу ерда кичкина қўшқона цехи қур-



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҲИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Умумтаълим муассасалари ҳиқувчиларининг, энг аввало, бошланғич синфлар ҳиқувчиларининг меҳнати ни моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бошланғич синфлар ҳиқувчиларига амалдаги ҳар ойлик устамалар Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда; умумтаълим муассасалари ҳиқувчиларига синф раҳбарлиги учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача миқдорда; умумтаълим муассасалари ҳиқувчиларига дафтарларни текширганлик учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг ўрта ҳисоб-

да 30 фоиздан 50 фоизигача миқдорда оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим муассасалари ҳиқувчилари иш ҳақи устамалар ва қўшимчаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун бюджетдан зарур маблағлар ажратсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори 1-бандининг умумтаълим мактаблари ҳамда барча тур ва номдаги мактаб-интер-

натларнинг ҳиқувчиларига қўшимча ҳақ тўлашга доир қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва А.А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2004 йил 2 июль

Халқ демократик партияси ҳаётидан

ЁШЛАР ПАРТИЯНИНГ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди. Кун тартибидида асосий масала юзасидан шаҳарча партия кенгаши биринчи котиби И.Бердиев мазъруза қилди.

Сўзга чиққанлар — Тошкент давлат техника университети иқтисодий-иқтисодий факультети декани У.Хайитов, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳикми А.А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий-сиёсий факультети талабаси А.Холов ва бошқа делегатлар ушбу йил сайловлар йили эканлигини ҳисобга олиб, партия ташкилотлари барча тузилмалари республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда янада фаол иштирок этиши зарурлигини таъкидладилар. Хусусан, ёшлар билан ишлаш, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини бевозта қилаётган муаммоларни ҳал этишда ХДПдан сайланган депу-

татлар, ҳокимият, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни кучайтириш ҳақида тўхталдилар.

Ўзбекистон ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши биринчи котиби этиб И.Бердиев қайта сайланди.

Дилфуза МАМАРАҲИМОВА,
Ўзбекистон ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши маслаҳатчиси

ФИКРЛАР АЛМАШИНЛДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида УаХДП Шайхонтоҳур туман ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди.

Туман партия кенгаши биринчи котиби Ҳайдар Бобохонов ўз ҳисобот-маърузасида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ХДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, маҳаллалардаги ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, ички партиявий интизомни

мустаҳкамлаш, ёшларни, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, таҳлил этиш каби масалалар ҳақида алоҳида тўхталди.

Музокарада сўзга чиққанлар партиянинг аҳоли иқтисодий муаммоларини ечишдаги ўрни, ёшларнинг сиёсий онгини ўстириш борасидаги долзарб вазифалар тўғрисида фикрлар билдирдилар.

Конференцияда УаХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Фуломов сўзга чиқди.



дик. Аввалига, эски жиҳозлар билан уч хил махсулот ишлаб чиқара бошладик. 1999 йилдан бошлаб, ёнимиздаги бўш ётган май-донлардан яна 0,97 гектар ер олиб, 4 мингта товуқ боқа бошладик. 2002 йилнинг қузда «Платина» банкдан 133346 АҚШ доллари қўйиматида кредит олиб, Италиянинг «VERIPAKS» компаниясидан замонавий технологиялар сотиб олдик. Улар ўрнатилган, ишлаб чиқарилаётган қўшқона ва соғисқалар турли 20 хилга етди. Кейинчалик Австралия ва Германиядан ҳам янги-янги жиҳозлар олдик.

Кўриб турибсиз, ютуқларимиз чакки эмас. Қанчадан-қанча янги иш ўринлари яратдик, бурдоқчиликни йўлга қўйдик, паррандаларимиз сонини 6 минг 500 тага етди. Ҳозир жамоамизда меҳнат қилаётган 45 нафар киши айна мавсум қизган пайтда 70-80 нафарга етди. Бундан ташқари, туманимизнинг Собир Раҳимов

Олмос нишонига ҳаракат қиламан...

«Тўхтаниёз-ота» хусусий корхонаси ишлаб чиқараётган «Покиза» номили қўшқона ва соғисқал махсулотларини бугунги кунда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, қолаверса, қўшни мамлакатларда ҳам тобора харидорлири бўлиб бормоқда.

Шоҳабдор МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ХАВОТИП
Бир кунни дедилар: — Айтим, ай Пир,
Шармидан ҳар кимга биттадан қабр.
Пир деди: — Ҳамма бир жойга қўйсанг,
Нисо чиқиб кетса ёмон-қу ахир.
Абдулла ОРИПОВ,
2004 йил 22 май

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Fax: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALQOBANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57, Fax: 136-76-22
WWW.alqobank.uz E-mail: info@alqobank.uz

ТОШКЕНТ САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИХАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид солаётган хатарларнинг умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур ва шарт.

Иккинчидан, Минтақавий антитеррор тузилмани ШХТ мамлакатларнинг тегишли хизматлари вакиллари — кўйилган вазифаларни юксак профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Минтақавий антитеррор тузилманинг бош идораси ходимлари уларни вакил қилиб юборган мамлакатлар пойтахтларидаги ўз ҳамкасблари билан боғланиш, мулоқот қилиш ва доимий алоқада бўлиб туриши жуда муҳим.

Учинчидан, биз ишонамизки, фақат махсус хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ва ақин ҳамкорлигини тезкор аҳамиятга эга бўлган ахборотлар билан ўз вақтида алмашиш, турли хавф-хатарларга қарши олдиндан зарба берадиган тадбирларни ҳамкорликда аниқ режалаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган ҳақиқий самарали алоқаларни йўлга қўйиш имконини бе-

ради. Тўртинчидан, Минтақавий антитеррор тузилма БМТ, АСЕАН, Интерпол, Европол сингари етакчи халқаро ташкилотларнинг антитеррор марказлари билан амалий ҳамкорлик учун очиқ бўлиши лозим.

Бешинчидан, агарки халқаро терроризм ва унинг ортида турган экстремистик марказлар ва кучлар катта молиявий ва бошқа ресурсларга, ўзгараётган вазиятга қараб теъдиқли ўзгариш ва мослашиш қобилиятига эга бўлса, бундай бало-қазога қарши курашиш уларга махсус кўптомонлама ҳамкорлик усулларини ва биринчи навбатда олдиндан пайини кўриш ишларини қўллашни талаб қилади.

Ва ниҳоят, олтинчидан, ШХТ иш юритишининг фақат куч ишлатиш ва ҳуқуқ-тартибот усуллари билан чекланиб қолмаслиги лозим. Муаммога кенгроқ қараш зарур. Бизнинг назаримизда, терроризмнинг мафкуравий негизи ва манбаларини тағ-томири билан кўпориб ташлаш учун бутун бир тадбирлар мажмуи, жумладан, маънавий-маърифий, таълим, тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни амалга ошириш лозим.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли

ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солади, деб ишонтириб айтмоқчиман, деди мамлакатимиз раҳбари.

ШХТ доирасида террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлигимиз истиқболли ҳақида сўз борар экан, менинг назаримда жуда муҳим ҳисобланган қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди Ислам Каримов ўз фикрини давом эттириб.

Биз фақат террорчилик кўринишларининг ўзига, портлашлар содир этиб, бергун ҳолатларнинг умрига эсимин бўлаётганларга қарши кураш билан чекланишимиз керак. Булар аслида биз терроризм деб атайдиган найзанинг бир учи, холос.

Аваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини зарарлаётган ва биринчи галда ёшларни йўлдан оздираётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер яратётганларга қарши курашиш даркор.

Ўзбекистон Президенти ҳеч қайси мамлакат наркоагрессия, халқаро террорчилик,

диний экстремизм ва айирмачилик каби иллатларнинг бир худуддан бошқа худудга ўтишига бефарқ қарайдиган шунчаки «транзит» бўлмаслиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади. Афсуски, баъзи қўшни худудларда бу борада ўзгача фикрлар ҳам кулоққа чалинмоқда. Ҳузулик найзаси ҳозирча гўё бошқаларга қаратилгани ишониб, бундай оғат ва таҳдидларга қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайди диган тушуна эканини ҳаётнинг ўзи такрор ва такрор исботламоқда. Шу боис ШХТнинг жавобгарлик қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайди диган тушуна эканини ҳаётнинг ўзи такрор ва такрор исботламоқда. Шу боис ШХТнинг жавобгарлик қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин.

Энди ШХТнинг иқтисодий тузилмаларини кучайтириш зарурати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман, деб Президентимиз саммит иштирокчиларни эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириши биз бу вазифани тўдан хал этишининг энчилари билан бири деб биламиз. Бу вазифанинг амалга оширилиши, бизнинг назаримизда, минтақа мамлакатлари ва халқларининг тў стратегик манфаатларига мос келган бўлур

эди. Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг фаол иштирокида умумий бозор тузиш бугун амалда бўлган тор миллий доирадаги бозорлар ўрнига минтақада товарлар ва хизматларнинг, мўҳнат ва сармоянинг ягона ёнадишуви, ягона қонуний метёр ва қондалар жорий этилган йирик ва жуда кенг қўламли бозорини шакллантириш имконини беради.

Шу тарихи хорижий сармоя ва илғор технологияларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилади. Бу эса пировардида иқтисодиётни барқарор ўстириш ва одамлар турмуш даражасини оширишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Ислам Каримов Ўзбекистон томони саммит йиғилишида Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтадиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўлақлари ва йўналишлари борасида илгари сурилган гоя ва таклифларни қўллаб-қувватлашни таъкидлади. Бу гоя ва таклифлар ўз навбатида ШХТга аъзо давлатлар билан Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтирувчи омилга айланиши мумкинлигига эътиборини қаратди. Афғонистонни минтақавий

муаммоларни ечишга жалб этиш, мамлакатни тинчлик йўли билан қайта тиклаш жараёнида зарур ёрдамни кўрсатиш мақсадида ШХТ давлатларининг Афғонистонга қўмаклашиш бўйича ўзаро келишилган аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тузилганига ўз йил бўлди, деди Ислам Каримов ўз нутқини якунлар экан. Ўтган давр мубайнида эришилган асосий натижа шуки, ШХТ амалий фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланиб бўлди. Ишончим комилки, ҳозирги шиддат билан ўзгараётган дунёда халқларимиз фаровонлиги йўлида муносиб ўрин эгаллаш учун ШХТ, шубҳасиз, катта имкониятларга эга.

Ўз навбатида шуну ҳам айтиш керакки, давлатимиз раҳбари нутқида қўрилган масалалар ижросини таъминлаш, авваламбор, минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятига янгича самарадорлик бахш этиш, унинг маъмурдорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. (Ў.А)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави (янги таҳрири) лойиҳаси умумпартия муҳокамасида УСТАВ — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави янги таҳрири лойиҳаси партиянинг барча ташкилотлари ҳисоб-саноли муҳокама қилинаётир. Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туман партия кенгашларида бўлиб ўтган пленумларида, бошланғич партия ташкилотлари ҳисоб-саноли йиғилишларида ва ҳозирда давом этаётган шаҳар, туман конференцияларида лойиҳа бўйича тегишли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилмоқда.

Лойиҳа амалдаги Низомга қараганда анча мукамаллашган, соддаштилган. Бунинг унинг 13-моддаси «Партия аъзоллигига қабул қилиш тартиби»да белгиланган қоидаларда ҳам қўра бўлади. Уставнинг янги таҳрири фуқаро партия аъзоси бўлиш ёки бўлмаслик тўғрисидаги қарорни бошланғич партия ташкилоти ёки шаҳар, туман партия кенгашига эмас, балки айнан унинг ўзига ҳавола қилмоқда. Яъни, партияга кириш ёки кирмаслик ҳақидаги қарорни энг аввало фуқаронинг ўзи хал этиди. Шундан сўнг ариза ёзиш, партия билети олиш каби ишлар шунчаки бир расмийлаштириш, аниқроқ, фуқаро қарорини қозғога туширишдан иборат, дейиш мумкин. Бу каби қоидаларнинг Уставга киритилиши Халқ демократик партияси ўз фаолиятини эркинлаштириш йўлида ўқтам қадам қўяётганининг ёрқин мисолидир, десам муболажа бўлмайди.

Лойиҳанинг 35-моддаси («Партия ижроия органлари ишчи аппарати») «Партия ижроия органлари, ўз ваколатлари даврида, устав фаолиятларини ахборот-таҳлил, таҳминий-социологик, ташкилий ва маслаҳатлашув хизмати билан таъминлаш учун ўзларига бўйсунадиган, мўҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини туздилар. Аппарат ходимларини нисбатан мўҳнат, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сўғурта тўғрисидаги қонунчилик қўллашди», дейилган.

Ушбу модданинг иккинчи қаторидаги «ташкилий» сўздан сўнг «молиявий-ҳўжалик ишлари» сўзлари қўшилса, бу партия кенгаши аппаратининг фаолиятини тўлароқ қамраб олган бўлар эди.

Лойиҳанинг 49-моддасида ҳудудий партия кенгаши раисининг ваколатлари доирасида бир қатор молиявий-ҳўжалик ишлари

ҳам киритилган. Модданинг учинчи бандида «ҳудудий партия кенгаши вакили бўлиб, унинг номида ташкилотлари ҳисоб-саноли бўшқа юридик шахслар билан муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди», дейилган. Назаримда, ушбу моддага алоҳида янги банд киритилса бўлади. Унинг матни қуйидагича берилишини таклиф қиламан:

«Худудий партия кенгаши раиси, партиянинг тегишли кенгаши жорий ишларини, шу жумладан, молиявий-ҳўжалик ишларини юритиш учун партия кенгаши раиси ўринбосари лавозимига сайланган шахсга кенгаш аппаратини бошқариш ва баъзи бир бошқа ваколатларини бериш ҳуқуқига эга».

Ушбу қўшимчанинг киритилиши партия кенгаши тушулганини керак бўлган ташкилий, мафкуравий ва партия Дастурида белгиланган бошқа масалалардан чалғимаслигига, демаски, қўшимчи керак бўлган ишларнинг янада самаралроқ бўлишига олиб келади, деб ўйлайман.

Лойиҳанинг 50-моддасида умумий партия йиғилиши «заруратга қараб, аммо бир йилда камда бир марта ўтказилади» деб белгилангани, менинг назаримда, бугунги куннинг талабига тўлиқ жавоб беради. Шунингдек, қўшимча сифатида, «партия ташкилоти фаолияти тўғрисидаги ҳисобот бир йилда бир марта тингланад», деб белгилаб қўйилса, бу ҳам фойдалан холи бўлмайди.

Лойиҳа 66-моддасининг биринчи бандида («Партияга аъзолик бадаллари») «Ўзбекистон ХДП аъзолари ҳар ойда аъзолик бадалларини белгиланган энг кам иш ҳақининг 3 фойзи миқдоридан тўлайдилар...» дейилган. Менинг фикримча, ойлик маошлари қайд қилинган партия аъзоларидан илгаридек, 1 фойз аъзолик бадалли, даромадлари қайд қилинган партия аъзоларидан энг кам иш ҳақининг 3 фойзи миқдоридан аъзолик бадалли олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маъмурдор ТИРОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши биринчи котиби А.Абдуллаев Урганч темир йўл узели шифохонасида бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислохотининг моҳияти тўғрисида сўзлаб берди ҳамда тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ партия фахрийлари ва фаоллари фидойилиги учун фахрий ёриқ, қимматбахо совғалар топширди.

Чортоқ туман партия кенгаши ташаббуси билан «Чортоқ ҳақиқати» газетаси таҳририятида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммити якунлари бағишланган давра сўбати ўтказилди. Унда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, тарғибот гуруҳи аъзолари иштирок этдилар.

Наманган шаҳар партия кенгаши мақомот ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор оммавий тадбирлар ўтказмоқда. Бобур номи маданият ва истироҳат ботида бўлиб ўтган навбатдаги тадбир атоқли шоир Набиҳон Ҳўжаев — Чустий таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

Йил охирида бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисида ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши, вилоят «Нуроний» жағмармаси, Ногиронлар жамияти, қасаба уюшмалари кенгаши ўртасида битим имзоланди.

ЎзХДП Хонқа туман кенгаши ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 33-, 37-мактабларда битирувчи синф ўқувчилари билан мўҳнат ва партия фахрийларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Унда фахрийлар Ўшларга ўз касбларининг сир-синоати, қасб танлашда адашмаслик, ҳар бир касбнинг ўзига хос машаққати борлиги ҳақида гапириб бердилар.

Сўх туманида «Мехр ва муруват» йилда ЎзХДП ташкилотларининг фаолияти» мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Унда партиянинг Фарғона вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, депутатлар, партия фаоллари иштирок этдилар.

Йил бошида ёнғин тушиб ёниб кетган Савиканда маҳалла фуқаролар йиғинидаги 4 хонадон ўрнига маҳалладорлар, партия фаоллари, депутатлар ва бошқа ҳомилар қўмағида янги уйлар тикланиб эгаларига топширилгани ҳақиқатан ҳам хайри иш, деъ таъкидланди анжуманда. Унда шунингдек, сайловлар муносабати билан амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Хунар — хунардан унар




ОТА КАСБИНИ АРДОҚЛАГАН

кам бўлмас экан, — дейди «Хивамебель» хусусий корхонаси раҳбари Рўздат Собиров

Отаним дурадгор бўлганлар. Ававалига ҳар хил касбларнинг бошини тутган уч ота-ини: Мухаммад, Абдулла ва мен мустақилликнинг дастлабки йилда маслаҳатни бир жойга қўйиб, ота касбини давом эттиришга бел боладик. 1991 йилда очилган хусусий корхонамизда бугун 30 киши мўҳнат қилмоқда. Қурилиш материаллари, ёғоч ўймакорлиги бўмборлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганми. Вилотда қурилаётган ёки таъмирланаётган барча иншоотларда иштирокчимиз борлигидан фخرланамиз.

Хусусий корхонада ўтган йили 50 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди, 152 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Йил якунида 21 миллион сўм соф фойда олинди. Ишчиларнинг ойлик маоши 80 минг сўмдан ошиб кетди. Яқинда алюминийдан эшик ва дераза ромлар тайёрлаш бўйича янги тармок ишга туширилди. Келгусида ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш ҳисобига қўшимча 20 та иш ўрни яратиш тараддуди қўрилаяпти.



Суратларда: устоз ва шогирд Машариб Машрапов билан Зафар Ибрагимов; ўймакор уста Оллобер Отажонов; тайёр маҳсулотлардан намуналар. Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Ҳуқуқий ислоҳот

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Жазо тайинлашдан мақсад жиноятни содир этган шахсга азоб бериш эмас, балки уни қайта тарбиялаш кераклигини ўқитиришдан иборат. Мазлумки, Юртбошимиз ўз нутқида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, эркинлаштириш ва демократлаштириш билан бирга судланувчиларга оғир жазо тайинлаш инсонпарварликка зид бўлган, номмақул тажриба эканини ўқитиб келмоқда.

Дарҳақиқат, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахсларнинг ижтимоий ҳавфи қилиниши, содир этган жинояти учун жазонинг муқаррабчилигини аниқлаб этишга боғлиқлигини кўраимиз. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонунини қабул қилиниши натижасида, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар, қасддан содир этилиб, қонунда ўз йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо белгиланган жиноятлар киритилган. Бу тергов ва суд амалиётида жиноят содир этган шахсларга нисбатан эҳти-

Шунингдек, «Ярашув тўғрисида»-ги ишлар бўйича иш юритиш тўғрисида алоҳида боннинг киритилиши миллий кадрларимиздаги кеңиримлик, ўзаро мурося ва тотув яшаш каби фазилатларни юзга келтирди. Шунга қўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этганликлар, муқаддам судланмаганликлар, ўз айбонлиги иқроор ва пушаймон бўлганликлар, жинояти оқибатида етказган моддий зарарни тўлаганликлар, жабрланувчи билан ярашганликлар учун жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинадилар. Масалан, оддий аскар А.Айтимбетов 2003 йилнинг 28 декабрь куни фуқаро Д.Алимобоевни қасддан уриб, соғлиги бузилишига сабаб бўлди. Танига энгил шикаст етказди. Ярашув институти амалга киритилганиги сабабли, тарафлар ярашганлиги учун А.Айтимбетовга нисбатан ЎзР ЖКнинг 109-моддаси, 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Агар бу қонун амалда бўлганда унга нисбатан энг кам иш ҳақи миқдорининг 25 дан 50 бараваригача жазима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 4 ойгача қамқоқ жазоси берилган бўларди.

Кичик сержант А.Эргашевнинг ҳаракати ҳам шундай ҳал этилди. У тунда, маст ҳолда Чорвоқ кўрғонлиги фуқаро С.Миробоевнинг ВА3 21011 рўсумли автомобилсинидадан баҳоси 70 минг сўмлик «Хундай» рўсумли магнитофонни ўғирлаган. Натижда ЎзР ЖКнинг 167-моддаси, 1-қисмидаги жиноят аломатлари юз

беради. Судланувчи ва жабрланувчи ўзаро ярашганликлар, А.Эргашев жабрланувчига етказган моддий зарарни тўлиқ тўлаганлиги сабабли жиноят иши тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Албатта, қонуннинг бу нормаси қабул қилиниши шахслар, оилалар, қариндош-уруғлар, айрим ҳолларда авлодлар ўртасидаги ўз оилаларга, бир-бирларидан ўз оилаларга барҳам беради ҳамда келгусида бошқа турдаги жиноятлар содир қилинишининг олдини олади.

Биз юқорида мамлакатимизда демократик ўзгаришни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишларидан бири суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича қилинаётган айрим ишлар ҳақида фикр билдирдик. Бу шахс, оила, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучайиши, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатлар билан бирга суд бугунги кунда шўро давридаги давлат механизми, каттагон ва жазолаш аппарати эмаслигини кўрсатмоқда. Қолаверса, суднинг давлат, жамият, ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш, чунончи ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланганлигидан далолат беради.

Нормад ТОЖИБОВ, Чирчиқ ҳарбий судининг раиси, адлия подполковниги

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурларидаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2004 йилнинг 22,29 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Ўтказилган аукцион савдоларида 475 та тадбиркор қатнашиб, шулардан 103 таси Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган «Parkent ixtisoslashgan bosoni» ОАЖ ҳудудида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқини қўлга киритдилар. 22 июнь кунлидаги савдоларда: — 1 та, майдони 9 кв.м. бўлган ноозиқ-овқат буюмлари; — 4 та, майдони 36 кв.м.дан бўлган қурилиш моллари савдо дўқони; — 89 та, майдони 9 кв.м.дан бўлган лак-бўёқ маҳсулотлари савдо дўқони қуриш ҳуқуқи;

29 июнь кунлидаги савдоларда: — 9 та, майдони 9 кв.м.дан бўлган лак-бўёқ маҳсулотлари савдо дўқони қуриш ҳуқуқи қуйидаги шартлар билан сотилди: 1. Аукцион савдолари ўтказилган қуни савдо натижаси тўғрисидаги якуний баённомани имзолаш. 2. Савдо кунидан 10 (ун) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш. 3. Савдо объекти қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш. 4. Бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш. Мазкур шартларнинг 1- ва 2-бандлари белгиланган муд-

датларда бажарилган тақдирда савдо натижалари ўз қучини йўқотгани ва сотилган турғун савдо дўқонлари қуриш ҳуқуқи 2004 йилнинг 6 июлидан бошлаб ҳафтанинг ҳар сешанба, пайшанба кунлари ўтказиланган аукцион савдоларига қайтадан қўйилади. Савдоларда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Талабдорлар «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг «Ўзўйбойжағмармабан» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамини объектнинг бошланғич нархидан 5 фойзи миқдоридан закалат пулини тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиланган кундан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«а» уй манзилида жойлашган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносидан ўтказилади. Соат 11.00 да бошланади.

Қўшимча маълумотлар учун қўйлағи манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«а» уй, 204-хона. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Инсон хотираси — азият

МУҲАММАД ЮСУФНИ ҲАҚИДА

Юракни ўртаган соғинчи Кўлардан ёш қилиб тўқинлар. Кимдандир изламанг овунчи, Муҳаммад Юсуфни ўқинлар.

Йилларда фурсат йўқ, кутиш йўқ, Дунёдан ўтиш бор, қайтиш йўқ. Инди ҳеч янги шеър айтиш йўқ, Муҳаммад Юсуфни ўқинлар.

Дунё ҳам қолмади кенгайиб, Қизлари қолдилар мунгайиб, Қайтадан тугалмас бундайиб, Муҳаммад Юсуфни ўқинлар.

Бўшади кўнглининг тўрини, Йигинлар шеърят зарини, Ҳақинлар шоирнинг зўрини: Муҳаммад Юсуфни ўқинлар.

Ёзгани туркман қиз серкюкил, Суйгани қизгалдоқ маънос гул. Эшилиб кетсин-да бир кўнгли, Муҳаммад Юсуфни ўқинлар.

Кўнглига армонни ёт этиб, Ҳар битта шеърини ёд этиб, Шоирнинг руҳини шод этиб, Муҳаммад Юсуфни ўқинлар.

Хотири ўчмасин йилларда, Шеърлари янграсин тилларда, Абдий яшасин дилларда, Муҳаммад Юсуфни ўқинлар. Раҳматилла АШИРОВ

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ОФТОБ КИРМАГАН УЙГА ТАБИБ КИРАДИ

Бу — ҳалқ табобати қарашларининг натижасидан келиб чиққан мақоллардан бири. Кишилар ўз ҳаётий тажрибаларида кўёш нури-нинг, шунингдек соф ҳаво ва пок сувнинг инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур эканлигини пайқаб, синаб келганлар ва ўз мақола-лари, ҳаво ва сувдан имкони борича кўпроқ баҳраманд бўлиш зарурлигини ўқирганлар: «Кўёш, сув, ҳаво — энг яхши даво»; «Кўёш, ҳаво — танга даво»; «Соф ҳаво — танга даво»; «Қавс суви — дардга даво, Кўёш, ҳавоси — танга даво» (Қавс — кўёш йили ҳисобидан тўққизинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 22 ноябрь билан 21 декабрь оралиғидики даврга тўри келади).

ОЧ ҚОРНИМ, ТИНЧ ҚУЛОГИМ

«Оз томоғим, тинч қулоғим»; «Оз ошим, гафосиз бошим»; «Ёвгон ошим, беғалва бошим» (Ёвгон — гўшсиз, ёғсиз тайёрланган суюқ оқват); «Ёвгон ошим, олтин бошим»; «Ғамсиз ошим, даво-сиз бошим»; «Яримта ноним — ороми жоним»; «Яримта нон — рохати жон, бутун нон — балойи жон»; «Қора нонга — қорним тўқ»; «Қамбағалнинг айрони — ўзига тотли»; «Қайноқ сув ич — қулоғинг тинч»; «Очлик — ялинишдан яхши»; «Оч юрсанг ҳам, тинч юр!».



Қарийб бир ой давом этган қитъа чемпионати эртага по-ёнига етади. Бу сафарги Евро-па биринчилигида таъбир жоиз бўлса, кўз кўриб, қулоқ эшит-маган тасодифлар юз бердики, буни муҳлислар узоқ вақт эс-лаб юришлари табиий. Ахир, ту-рурлардаги дастлабки учрашу-ни Португалия — Греция тер-ма жамоалари бошлаб беришган эди-да. Ушундан грек футболчи-лари 2:1 ҳисобида устун келиш-ган. Чемпионатнинг дастлабки тўпни дарвозага йўллаш ҳам грек футболчиси Г. Карагунисга насиб этган эди. Чемпионат-нинг сўнгги 31-учрашувида ҳам «А» гуруҳидаги ана шу жамоа-лар бир-бирига рақиб бўлади, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз? Қизиги шундаки, финалда чиқ-қан ҳар икки жамоанинг ўзига хос томонлари бор. Хусусан, Португалия илк марта қитъа чемпионатини ўтказиб бераёт-ган бўлса, Грецияда яна бир ойлардан кейин йилнинг энг катта спорт байрами — Олим-пия ўйинлари байроғи кўтари-лади. Балки, ҳар икки мамла-кат футболчиларига ана шу нар-са, қолаверса, руҳият далда бе-раётгандир? Нима бўлганда ҳам

Қатағон қурбонлари

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ, Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ. Мен элимнинг юрагида яшайман, Эрк деганинг тилагида яшайман!

Ҳамид ОЛИМЖОН

Бундан 70-75 йил муқаддам чоп этилиб, сарғайиб кетган ўзбекча-русча газеталар та-ҳамларини варақласангиз, уларда Муҳаммад Ҳасанов (та-халлуси — Мамат Ҳасан) им-зоси билан битилган кўплаб публицистик мақолалар, очерк-лар, фельетонлар, танқидий-таҳлилий материаллар ва ре-портаж лавҳаларга кўзингиз тушади. Уша йиллар ўзбек мат-буоти — журналистикаси бе-шигини тебратган дастлабки намоёндалардан, таъбир жоиз бўлса, унинг илк газалхонла-ридан бири — Муҳаммад Ҳа-санов агар ҳаёт бўлганда айни кунларда 100 ёшга тўлган бўларди. Афсус, (Оллоҳ охира-тини обод қилган бўлсин) у бор-йўғи 34 йил умр кўрди...

... 1933 йилдан 1936 йилнинг сўнгги ойларигача ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси-га муҳаррирлик қилиб, 1937 йилнинг куз кунларигача қа-дар эса (11 ой) «Правда Востока» газетасини ҳам бош-қарган Муҳаммад Ҳасановни кунлардан бир кун собиқ ком-партия марказий кўмитасига «шошилинч иш билан» (!) чи-қардилар-у... шундан сўнг ҳаётда уни на оила аъзолари, на ёру дўстлари ва на касб-дошлари кўришолди... Иккин-чи кун чекистлар уй-жойини ҳам обдон «тозалашиб», ҳатто болалар велосипедига мусо-дара қилишди. Унга сўнгги сўзини ёзиб қолдириш ва уни оила аъзоларига жўнатишни ҳам қатъий тақиқлашди.

ҚИСКАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ-ГА ДОИР: Муҳаммад Ҳасанов 1904 йилнинг июлида Тошкент шаҳрида зибли оиласида ту-ғилди. Отаси — Фаттоҳ Ҳа-санов ва онаси — Тоёба Ҳасан-ова (Шарофиддинова) болалар-га дунёвий билимлардан савод ўргатиб, улар онгини очинишга бел боғлаган илк муаллимлар-дан эди.

Еш Муҳаммад дастлаб ша-ҳардаги Маржоний номли мак-табда тахсил олди. Кейин рус-ча мактабда ўқиди. Ижодий йўли мактаб деворий газети-сидан бошланди. Ҳақини би-тирар-битирмас, ота-онаси кет-ма-кет вафот этиб, сингил-ларни боқиб ташвиши унинг зиммасига тушди... Яхшиямки, Ҳасановлар оиласини яқиндан билган оқибатли кишилар бор экан, Муҳаммадга ёрдам бе-ришди: у Телеграф агентлиги-нинг Тошкент Эски шаҳар бўлимига ишга кириб, рус ти-лидан ўзбек тилига дурстли-на таржималар қила бошлади.

20-йилларнинг бошларида унинг қаламига мансуб кўплаб материаллар ўзбекча-русча марказий газеталарда тез-тез босилиб чиқа бошлади ва кичка вақт ичидеяк зийрак, иш-чан журналист сифатида элга танилди. Ўзбек маданияти ва адабиётининг йирик намоёнда-лари — Мирмухамин Шермухам-медов, Аъзам Аюпов, Абдулла Қодирий, Зиб Саидлар билан ҳамнафас бўлди.

Урта Осиёда миллий ҳега-ранлиш ўтказилган кезларда Муҳаммад Ҳасанов «Турки-стон» газетасида ишларди. У уша йиллари айни пайтда ўзбек тилида оммавий деҳқон-лар газетаси — «Қамбағал деҳ-

қада эса голландиялик Ван Ни-стелрой португаллар дарвоза-сига тўп киритди. Лекин бу ва-зиятни ҳақам ўйиндан ташқари ҳолат, деб баҳолади. Танаф-фусдан кейин португаллар галабани мустақкамлашди. 58-дақиқада Роналду бурчак тўп-ни оширди. Бу тўпни чиройли қилиб дарвозага йўллаган Ма-нише ҳисобни 2:0 га етказди.


ЭРТАГА ФИНАЛ УЧРАШУВИ: ПОРТУГАЛИЯ — ГРЕЦИЯ

Шундан сўнг майдон эгалари бироз ҳаяжонланиб кетдилар-ми, ҳар қалай мезонлардан Жорже Андраде билиб-билмай ўз дарвозасига тўп уриб қўйди. Шу тариха учрашув 2:1 ҳисо-биде аяқланди. Португалия финалга йўлланма олди.

Иккинчи ярим финал учрашу-вида майдонда Греция — Чехия жамоалари тушди. Маълумки, Чехия футболчилари чемпионат



... 1956 йил тарихга «Хруш-чев илиқликлари» деган ибора билан қирган сиёсий вазият кезларда Муҳаммад Ҳасанов-нинг турмуш ўртоғи Роҳила аяга, фарзандлари ва набира-ларига қутилмаганда ҳабар келди: «... 1904 йилда туғилган Ҳасанов Муҳаммад Фатто-ҳович устидан қўзғатилган



ҚАНОТЛАРИ ҚАЙРИЛСА-ДА, ИЙМОНИДАН АЙРИЛМАДИ

1933-36 йИЛЛАРДА ГАЗЕТАМИЗГА МУҲАРРИРЛИК ҚИЛГАН МУҲАММАД ҲАСАНОВ (МАМАТ ҲАСАН) ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИ ҚУРБОНИ БЎЛГАНДИ... ШУ КУНЛАРДА УНИНГ ТАВАЛЛУДИГА РОППА-РОСА 100 ЙИЛ ТЎЛМОҚДА.



жаний иш СССР Олий су-дининг ҳарбий коллегияси-да қайта қўриб чиқилди ва Ҳасанов ўлимидан сўнг оқланди...

Шундан сўнг Ҳасановлар оиласи «унинг покиза номига соя ташлаган айби нима эди?» — деган савол билан мувожа-дат қилмаган, сўраб-суриштир-маган жойлари қолмади. Бир-роқ, улар ҳар гал ўша йиллари минглаб хонадонларга келган бир хил матн («андоза»)даги жавобни олавердилар: «Маълумотнома. Ҳасанов М.Ф.нинг айблануви бўйича қўзғатилган жиноий иш 1956 йил 28 июнда ҳарбий коллегияда қайта кўрилди... Коллегиянинг Ҳасанов М.Ф.га нисбатан 1938 йил 4 октябрдаги ҳужуми янгидан ўрганилган ҳолатга кўра бе-кор қилинди ва иш тарки-дада жиноят йўлини учун у тўхтатилди...»

Мантиққа қаранг: қачонки, тириқлар орасида (ҳатто кас-ри ҳам!) аллақачон йўқ инсон устидан қўзғатилган жиноий иш орадан шунча йиллар ўтиб, тўхтатилибди... Қайси жино-ят учун қўзғатилган эди ўша иш ўзи...?

Дарвоқе, мустабидлик тузу-мининг қатағонлари айни авж олган йилларда Муҳаммад Ҳасанов халқимизнинг миллий хусусиятлари, урф-одатлари ва

қадриятлари топталишига қар-ши ўз фикр-мулоҳазаларини лоқал бадий асарларда баён этишга уринган юртимизнинг кўплаб муносиб фарзандлари — хусусан, зиёлиларнинг асл вақилларига иймонсизларча бўҳтон қилишдан, тухмат ёди-ришдан ўзини тийиб тургани рост. Еҳуд, қанотлари қайрил-са-да, иймонидан айрилмага-

қадар давом эттирган-у, аммо ҳозир сафимида йўқ бошқа муҳаррирлар олдига ҳам биз, журналистлар ҳамиша бош эгишга, таъзим қилишга, улар-нинг мунаввар руҳларини до-имо ёдлаб, хотирлаб туришга бурчимиз. Яна бир истак: мамлақати-миз миллий матбуоти ва унинг ижодий муҳити ривожига ўз кучи, истеъдоди ҳамда бутун борлигини бахшида эт-ган, таъбир жоиз бўлса, ўз-даврида қалдирғочдек қанот қокқан, шўро тузуми қатағо-ни «тўр»ларига тушиб, айбсиз айбор бўлиб, шифқатсиз отилган мумтоз устозларимиз номини абадийлаштириш бо-расида бугун янада кенгрок ўйлаб кўриш фурсати келди. Инчунун, мустақил давлати-миз ҳукумати бу борада мо-зийнинг қатор сиёсий вази-ятларига аллақачон адолатли баҳо берди, берапти ва кўпдан-кўп савобли, хайрли

ишларни бошлапти. Истеъ-додли журналист, иқтидорли публицист, ташаббускор му-ҳаррир, қатағон йиллари му-ҳабони Муҳаммад Ҳасановнинг номи, хизматлари, қадри-қим-мати унутилиб кетмайди.

...Марҳумнинг фарзандлари ўз волидаи муҳтарамлари — Роҳила аянинг хоки ёнига қўйган падали бузрукворлари — Муҳаммад Ҳасановнинг рам-зий қабрлари ёнида бир зум бўлиб, кўнглимиздан кечган ёднома тағлимотлари шулар бўлди... Қолаверса, азиз газет-хон, Сиз ҳозир маъмур сатр-ларни ўқитган онларингизда ҳам мамлақатимиз пойтахтида тикланган Мустақиллик йилла-рининг зибраттоҳ гўшаларидан бири — Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи жойлашган ерда устозинг табаррук ар-воҳлари чирқиллаб турган бўлса, не ажаб...

Устоз ўлган эмас. У қатағон қонхўрлари қўлига таслим ҳам бўлган эмас... Истиклол ша-рофати билан эркига эришган элдошлари юрагида, бахтига етишган эл-юрти тилагида му-дом яшагусидир...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Юнус ЗИЁДОВ, «Ўзбекистон овози» махсус муҳбирлари

Суратларда: Ҳасановлар-нинг оилавий архивидан — Му-ҳаммад Ҳасанов (ўнгда) тур-муш ўртоғи Роҳила ая билан; ўғил-қизлари: (ўнгдан) Марат Ҳасанов — узоқ йиллар фука-ролар ҳаво флотиде штурман-лик қилган, Ида Ҳасанова — Ўзбекистон Фанлар Академия-сининг «Фан» нашриёти муҳар-рири бўлган, Нелла Ҳасанова — собиқ «Гласредизарисовозст-рой» трестиде катта муҳандис вазифасида ишлаган — ҳозир учаласи ҳам нафақада.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ «ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА ҚОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН «Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен тру-баларни (PPRC 3-тин) ва турли хил фитинг-ларни сотади. Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63 факс: 134-78-49. Email: jvsilkroad@inbox.ru

Table with columns for BOSH MUHARRIR, SAFAR OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, MUASSIS, BO' LIMLAR, VILOYAT MUXBIRLARI, MANZILIMIZ, etc.